

Тасдиқлайман"

"Түямуйин гидроузелидан фойдаланиш  
бошкармасы" баш мухандиси

3.Б.Довлатов



"Түямуйин Чап кирғоқ магистрал каналининг хавфсизлик декларациясини тайёрлаш" хизматини бажариш бўйича

Энг яхши таклифларни танлаб олиш учун

### ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

# **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: “Тұямуйин Чап кирғоқ магистрал каналининг хавфсизлик декларациясини тайёрлаш” хизматини бажариш.
- 1.2. Танлов қиймати ҚҚС сиз 46 000 000 (Кирк олти миллион) сүм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул килинмайды ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Тұямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси (бундан кейин- “Буюртмачи” леб аталади).  
-танлов ташкилотчisi хисобланади. “Буюртмачи” манзили: Хоразм вилояти Тупроккаль тумани Мухаббат маҳалласи, Эл.адрес:
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Тұямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томомидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юрилик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:  
-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, солик идораларидан карздорлиги мавжуд эмаслиги ёки хизмат кўрсатувчи банкда инкассалар ва ҳар хил турдаги қарздорликлари йўклиги тўғрисида банк маълумотномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларидан, малакавий ишчиларнинг ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
- шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳуқукий лаёхат ва ваколатлар;  
- танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишланиш тажрибасининг мавжудлиги;  
- фаолияти давомида камида 3 тадан ортиқ ташкилотларида фаолият олиб борганлиги;  
-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
-бугунги кунгача жами айланма маблаглари тўғрисидаги банк маълумоти, йиллик солик ҳисботларида асосий воситаларидан (эсковатор, юк автомобили ва бонкалар) нинз мавжудлиги, молиявий натижалари ва йиллик баланс ҳисботидан нусхалар тақдим этиши лозим;

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофих тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тутатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

-мол-мулки мусодара килингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шакида ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар, хамда ушбу хужжатнинг 3.2 бандига мос келмаган иштирокчилар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ.**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталаға электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажарини муддатлари ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳраб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

• Техник хужжатлар рўйхати (бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишлари тўғрисидаги хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгаришиш киритиш хукукига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги Қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТАМОНЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштироки деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгаришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч

кун олдин қарор қабул қилишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгаришиңа йул қүйилмайды. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгаришлар киритилген санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узгаририлган булса, танлов утказин тугрисидаги эълонга узгаришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборишига хакли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган билса, ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг хоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясинини барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон хизинади.

7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суроў юборишига қахли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Ишилаб чиқариш ва таъминот  
бўйича бош мухандис:

Ш.Қазаков